Мустақиллик—олий неъмат

# ЭРК ҚАДРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ



1991 — 1998

**_Солижон МАҲМУДОВ. — 1949 йилда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Қўшқўрғон қишлоғида туғилган. 1966 йилда шу қишлоқдаги ўрта мактабни, 1973 йилда Тошкент чет тиллар институтини, 1987 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1973 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. Мактабда илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлаган. 1980-87-йилларда Зангиота туманидаги «Қорасув» давлат хўжалиги директори муовини, 1987-93 -йилларда Хонобод қишлоқ Кенгаши ижроий Қўмитаси раиси бўлган. 1993 йилдан Зангиота туманидаги «Мустақиллик» жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишламоқда. Қуйида Солижон Маҳмудов билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз._**



**— Солижон Маҳмудович, энг улуғ, энг азиз неъмат — мустақилликнинг аҳамиятини қандай тушанасиз?**

— Ҳаётда ҳеч қандай бойлик билан қиёслаб бўлмайдиган, аҳамияти жиҳатидан бебаҳо ҳодисалар бўлади. Бизнинг мустақиллигимиз ана шундай ҳодисалар сирасига киради.

Халқда мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, деган мақол бор. Бизнинг мустақиллигимизнинг аҳамиятини теран тушуниш учун ўз даврида ижтимоий алғов-далғовлар боис юртидан бадарға бўлиб, хорижга кетиб қолган ҳамюртларимизнинг армон тўла ҳикояларини тинглаш керак, деб ўйлайман. Чунки киндик қони тўкилган тупроқ қандай азизлигини умри ғарибликда ўтган иссонлар чуқур ҳис этишади.

60-йилларда хизмат сафари билан Африканинг Доруссалом шаҳрига борган бир шифокор танишим ўша ерда бир юртдошимизни учратган экан. Мўйсафид ўзининг асли тошкентлик эканлигини, Баландмачит маҳалласи яқинида туғилиб ўсганлигини, юртини 20-йилларда тарк этишга мажбур бўлганлигини, бир умр туғилиб ўсган жойларини қайта кўриш орзуси билан яшаганлигини айтибди. Шифокор мўйсафидга бир кийимлик атлас совға қилибди. У эса беҳад хурсанд бўлиб, раҳмат айтибди-да, дебди: «Сиздан бир илтимосим бор, ўғлим, мабодо малол келмайдими?» «Марҳамат» «Тошкентга қайтгач, мен туғилиб ўсган маҳалла тупроғидан бир ҳовуч олиб, менга юборсангиз». «У тупроқни нима қиласиз?» «У тупроқни ва Сиз берган мана бу атласни вафот этганимда гўримга қўйишларини фарзандларимга васият қиламан».

Ватан соғинчи кишини қандай кўйларга солишини кўрдингизми?! Мустақиллик хориждаги ана шундай минг-минглаб юртдошларимизга Ўзбекистонимиз дарвозаларини кенг очди.

Президентимиз Ислом Каримов Саудия Арабистонида бўлганларида у ерда ватандошларимиз билан учрашдилар. Улар Президентимизга айтган гапларни телевизор орқали эшитиб, кўзларимдан ёш оқди. Чунки мен ҳам 20-йилларда бадарға қилинган оиланинг фарзандиман.

Биз асли андижонликмиз. Бобом бир неча ўн гектар ери, тегирмонлари, обжувози бўлган бой бўлган. 20-йиллардаги тўс-тўполонда ҳаётига хавф туғилганида ўзи ва оиласининг жонини сақлаш учун Қашқарга кетган. 1933 йилда яна Андижонга қайтган. Бу ерда яна унга тинчлик беришмаган. Шунда Тошкент вилоятида пахтачиликни ривожлантириш учун Фарғона водийсидан одамлар кўчирма қилинганида, ўшалар сафига қўшилиб, Зангиота туманига келиб қолган. 20-30 йилларда фақат бизгина эмас, анчагина қариндошларимиз ҳам жонларини сақлаш мақсадида ўзга юртларга кетиб қолишган. Отамнинг Саудия Арабистонида яшайдиган бир холаваччаси билан 59 йилда юз кўришиш имконига эга бўлдик.

Хорижда собиқ СССРга «Ёвузлик империяси» деб ном қўйилган эди. Бу жуда ўринли атама. Халқимиз 130 йилдан ортиқ мустамлака зулми остида яшади. Бу демак, ҳаётимизда 130 йил зўравонлик, ёвузлик, қўрқув вазияти ҳукмрон бўлди. Бу зулм ўтган асрнинг учинчи чорагида чор генерали Черняев қўшинларининг ўлкамизга босқини билан бошланган эди. 80-йилларда Гдлян бошлиқ «десантчи»ларнинг қамақамаси билан тугади.

Узоқ ва яқин тарихимизни бир эслайлик. Ўтган аср охиридаги Андижон қўзғолонидан сўнг Андижонга қўзғолон иштирокчиларини жазолаш учун борган генерал Духовний шаҳар жоме масжидига кирганида саждага бош қўйган кишиларнинг бошини этиги пошонаси билан босиб, меҳроб томон юрган экан. 80-йилларда эса гдлянчилар «пахта иши» баҳонасида айбиборни ҳам, айби йўқни ҳам қамадилар...

Эндиликда биз бундай зўравонликлардан холимиз. Юқоридаги воқеаларни эслаш эса бугунги мустақиллигимиз, эркимиз нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ёдга солади.

**— Мустақиллик давридаги қандай ўзгаришларни таъкидлаган бўлур эдингиз?**

— Мустақилликни қўлга киритганимиздан бери ўтган 7 йилни ҳеч муболағасиз республикамиз учун бунёдкорлик, яратувчилик даври бўлди, дейиш мумкин. Аввало халқимизга тинч яратувчилик меҳнати билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитларни яратган республикамиз Президентига, ҳукуматимизга ташаккур айтишимиз керак.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибига кирган ўн беш республика орасидаги нисбатан катта, иқтисодий бой республикалардан эди. Лекин шундай катта республика ўз ҳудудида умумий тannarxи 3 миллион рублдан ортиқ бирон-бир бино ва иншоот қурадиган бўлса, Москвадан махсус рухсатнома олиши керак эди. Айтишларича, ўша пайтда республика раҳбарлари ишчи кучлари кўп бўлган Фарғона водийсида «Ока» енгил автомобилини ишлаб чиқарадиган завод қуриш учун анча ҳаракат қилишган, лекин, Москвадан рухсат олишолмаган экан. Чунки «қизил империя» маҳаллий аҳоли орасида ишчиликни касб қилган, техник маданияти юқори кишилар кўпайишидан манфаатдор эмас эди-да.

Мана, энди ҳозирги манзарани бир қаранг. Республикамизнинг қайси бир вилоятига борманг, улкан бир қурилиш олиб борилаётганлигини кўриш мумкин. Қоровулбозорда бунёд этилаётган, биринчи набати ишга туширилган нефть ва газни қайта ишлаш заводига шу пайтгача сарфланган капитал маблағ 600 миллион доллардан ошиб кетибди. Ахир шу бир рақамнинг ўзи кишини ҳайратга солади-ку!

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан бери ўтган қисқа даврда ўз автомобиль заводимизга эга бўлдик. Республика аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бошқа кўплаб саноат корхоналари бунёд этилаяпти. Тошкентда амалга оширилаётган қурилишларни айтмайсизми. Кейинги йилларда пойтахтимиз янада чирой очиб, Осиёнинг энг гўзал ва замонавий шаҳарларидан бирига айланиб қолди.

Ўтган етти йилда биз нефть ва ғалла мустақиллигига эришдик, саноатда ва қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар йўлини изчил давом эттирдик.

Энг муҳими, биз имон-эътиқод эркига, тарихий ҳақиқатларни билиш, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни эъзозлаш ва янада ривожлантириш имкониятларига эга бўлдик. Қуръоннинг ўзбек тилига таржима қилинганлиги, шаҳар ва вилоятларда ўнлаб янги масжидлар очилганлиги, мусулмонлар ҳаж ва умра сафарларига боришлари учун ҳукуматимиз томонидан барча қулайликлар яратилаётганлиги ҳаётимиздаги бундан ўн-ўн беш йил аввал тасаввур этиб бўлмаган улуғ янгиликлар-ку!

Эндиликдаги вазифа мустақиллигимиз берган бу эркинликларни қадрига етиш, «шаҳар бедарвоза» эмаслигини унутмаслик, эътиқод эрки Наманганда айрим унсурлар қилганидек, бебошликка айланиб кетишига йўл қўймасликдан иборат.

**— Келажаги буюк Ўзбекистонни қандай тасаввур этасиз?**

— Катта тарихга эга, табиий бойликлари беқиёс юртда яшайдиган меҳнаткаш халқимиз шу пайтгача эрксизликдан қисилиб келди, у гўёки, қанотларини кенг ёйиб парвоз қилиш имкониятидан маҳрум этилган қуш сингари эди. Эндиликда халқимизга дунёга чиқиш, ўзини миллат сифатида намоён этиш учун барча шароитлар яратилди, дейиш мумкин. Ўйлайманки, республикамиз яқин келажакда ҳар томонлама тараққий этган, халқи тўқ ва фаровон турмуш кечирадиган юртга айланади.

**— Мустақиллик йиллари хўжалигингиз жамоаси ҳаётида қандай из қолдирди?**

— Ўтган йиллар хўжалигингиз учун ўсиш, тикланиш йиллари бўлди, дейиш мумкин. 1993 йил декабрда раисликни қабул қилиб олганимда хўжалик қарзга ботган, ходимлар 3-4 ойлаб маошларини олишолмас эди. Техника ишдан чиққан, ҳатто уруғлик сотиб олиш учун ҳам пул йўқ эди. Хўжаликни бу иқтисодий танглиқдан қандай олиб чиқарканман, деб ўйлаб кечалари уйқум ўчиб кетган пайтлар бўлди. Шундай кунларнинг бирида хонамга қўшни «Қорасув» жамоа хўжалиги раиси, тажрибали раҳбар ва деҳқон, илгари ҳам менга кўп яхши маслаҳатлар берган устозим Аъзам ака Абдувалиев кириб келдилар. Мен у кишига хўжаликдаги аҳволни гапириб бердим. Шунда у киши: «Солижон, ҳозир сенга осон эмаслигини биламан. Лекин сенга катта ишонч билдирилди. Бу ер сен учун синов, ундан муваффақиятли ўтишинг керак... Ёнингга яхши, ишлайдиган одамларни ол, уларни нима қилиб бўлса ҳам руҳлантир, иссиқ-совуғидан хабар олиб тур. Эртага экинларни вақтида экиб олишга ҳаракат қил. Уруғликдан, техникадан мен ёрдам бераман», дедилар. Бу гап мени руҳлантирди. Одамларни йиғиб мажлис қилиб, узоғи билан уч йилда хўжаликни рентабелли хўжаликка айлантираман. Фақат менга эргашсанглар, топшириқларимни вақтида бажарсанглар бас, дедим. Одамлар айтганимни қилишди. Баъзи бир ишёқмас, ландавурлардан воз кечишга тўғри келди.

1994 йил ҳосили яхши бўлди. Шу йилнинг ўзида 1 миллиард рубль миқдоридаги қарзимиздан қутулдик.

Менинг отам миришкор деҳқон бўлганлар. У киши: «Экин эккан деҳқон эмас, ҳосилини яхшилаб пуллаган деҳқон», дер эдилар. Биз даладаги ҳосилни иложи борича эрта чиқариб, қимматроққа пуллашга ҳаракат қиламиз.

Бир йилда давлат қарзидан қутилгач, одамларнинг маошини кўтардик, уларни қўшимча моддий рағбатлантириш имкониятига эга бўлдик. Янги техника — занжирли ва универсал тракторлар, енгил машина сотиб олдик. Ўн миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини амалга оширдик.

Ҳозир хўжалигимиз рентабелли ҳисобланади, банкда анчагина жамғармамиз бор. Жамоамиз ҳар йили эл дастурхонига 1000 тоннадан ортиқ сабзавот, 500—600 тонна картошка, 300 тонна ғалла ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда.

**— Маълумки, ҳозир қишлоқда уч хил мулк шакли мавжуд: биринчиси — пай шакли, иккинчиси — оилавий пудрат, учинчиси — қишлоқ кооперативи (ширкати). Сизнинг хўжалигингизда қайси мулк шакли кўпроқ ривожланмоқда?**

— Бизнинг хўжалигимиз шаҳарга яқин жойда жойлашган. Аҳоли зич, ишчи кучлари кўп, экин майдонлари эса нисбатан чекланган. Бундай шароитда мулкчиликнинг оила пудрати шаклини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Биз шундай қилаяпмиз. Мулкчиликнинг бу шаклида ҳар бир оилага шартнома асосида ер ажратилади. Майдонларни экишга тайёрлаш, техник ва минерал ўғит, кимёвий моддалар билан таъминлаш хўжаликнинг вазифаси, экинни экиш, парваришлаш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш оила пудрати аъзоларининг вазифаси ҳисобланади. Пудратчи шартномада белгиланган ҳосилни хўжаликка хоҳласа натура ҳисобида бериши, хоҳламаса, бозордагидан 30 фоиз арзон баҳода пулини тўлаши мумкин. Бу усул кўпчилик деҳқонларга маъқул бўлаяпти. Ер майдонларимиздан бир сотихи ҳам экилмай қолмаяпти.

Казарма социализми давридаги хўжалик раҳбарларининг саҳарда уйма- уй юриб, одамларни далага чиқиб ишлашга даъват этишлари ўтмиш бўлиб қолди. Ҳозир деҳқонларни ҳаракатга солувчи, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга ундовчи асосий омил — шахсий манфаатдорликдир.

**— Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга ҳозирги пайтда нималар халақит бераяпти?**

— Ҳозир, очиғи, ҳар хил тўловлар деҳқон хўжаликлари бўйнида оғир юк бўлиб, олға босишига халақит бераяпти. Масалан, ҳозир биз 1 сўм топсак, бу пулнинг 40 тийини ҳар хил тўловлар учун кетаяпти. Қолган 60 тийин ҳисобидан уруғлик, техника, ёқилғи ва мойлаш материаллари сотиб оламиз, техникани таъмирлаймиз, қурилиш, ободонлаштириш ишларини амалга оширамиз. Мана, энди деҳқон ўзи топган пулнинг қанчасига эга бўлаётганлигини ҳисоблаб олаверинг.

Тўғри, давлат бюджети асосан ҳар хил тўловлар эвазига юзага келишини биламиз. Лекин бу тўловлар ҳар томонлама ўйланган, яъни хўжалик жамоаларининг ташаббускорлиги, ғайратини сўндириб қўймайдиган даражада бўлиши керак.

**— Кейинги пайтлардаги Олий Мажлис сессияларида раҳбарнинг фидойилиги ҳақида кўп гап бўлди, шуни қандай тушунасиз?**

— Эски буйруқбозлик тузумида қишлоқдаги иқтисодий қолоқ жамоа ва давлат хўжаликлари маълум маънода давлатнинг боқимандаларига айланиб қолган эди. Уларнинг катта-катта қарзларини вақти-вақти билан давлат кечиб юборар эди. Шу боис бундай хўжаликлардаги раҳбарларни эртага жамоамнинг ҳаёти қандай бўларкин, деган ўй қийнамас эди. Эндиликда эса бунақаси кетмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида сизга ҳеч ким бекорга бир сўм бермайди, ҳар ким ўз «араваси»ни ўзи тортиши керак. Хўжаликнинг рентабеллигини таъминламасангиз, ходимларнинг маошини ўз вақтида бермасангиз, уларнинг ўзи «кавуш»ингизни тўғрилаб қўйишади.

Мен мана шундай қийин шароитда корхонасида ёки хўжалигида ишни юргиза билган, жамоаси учун ҳам, бутун эл-юрт учун ҳам фойдали ишлар қила олган раҳбарни фидойи деб биламан. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик осон иш эмас. У кишидан иқтисодиётни ва деҳқончиликни мукаммал билишни, ташкилотчи ва мураббий бўлишини талаб этади. Шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, зиммасига юклатилган вазифани уддалаш учун вақт билан ҳисоблашмай ишлайдиган кишилар таҳсинга сазовордир.

**Суҳбатдош Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ.**

# БАРЧАГА ТАТИЙДИГАН ЖАЗО

*Шимолий вокзал ҳодисаси, журналистга, аниқроғи қонунга беписанд муносабат оқибати*

**_ЎзТВнинг якшанба кунидаги «Таҳлилнома»да юзаки қараганда оддийдек туюлган танқидий лавҳа кўрсатилди: Тошкент Шимолий темир йўл вокзалидаги аҳволни суратга тушириш ниятидаги телемухбир шу ердаги милиция ходимлари ва вокзал маъмурияти томонидан тазйиққа учради ˚ унинг қўлидаги мухбирлик қуроллари тортиб олинди, ўзи чорак соат мобайнида милиция бўлимида тутиб турилди, суратга туширилган тасмалар тортиб олинди. Аслида ҳодисанинг нечоғли оддий эмаслиги душанба куни, очиғини айтганда, бевосита Республика Президенти томонидан кўрсатилган эътибордан сўнг барча масъулияти ва жиддийлиги билан намоён бўлди._**

Душанба кунги «Ахборот» кўрсатувида мазкур ҳодиса «қаҳрамонлари»га нисбатан кўрилган жазо чоралари, ўйлайманки, ҳар қандай фуқарони ҳаяжонлантирмай қўймади. Шимолий темир йўл вокзалини айланиб юриб, жамоат тартибини сақлаш вазифаси бўлган форма кийган катта-кичик билан фикр алмашдим, улар бу даражадаги тезкор ва муросасиз муҳокамани кўрмаганларини очиқ-ойдин айтишди.

Бунинг сабаби бор — қонун бузилган эди, қонунга ҳурматсизлик кўрсатилган эди!

Олий Мажлиснинг XI сессиясида Ислом Абдуғаниевич қонунларнинг ҳаётга ниҳоятда чуқур сингиб бориши ҳақида кам қайғурилаётганини алоҳида таъкидлади. Йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳисоботига бағишланган йиғилишдаги нутқида, айниқса, раҳбар ходимлар орасида тафаккурнинг янгиланиши суст кечаётганини ҳақли равишда танқид қилди, матбуотдан ўзини олиб қочиш, юмшоқ айтганда, «ундай давр ўтди» дея изоҳланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг мана шу уч танқидий мулоҳазасининг ҳаётимизда ҳали-ҳамон мавжудлигини Шимолий вокзал ҳодисаси тўла-тўкис кўрсатди!

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига роппа-роса икки йил, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонун тасдиқланганига сал кам бир ярим йил тўлди, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун» кучга кирганига саккиз ойдан ошди. Қонунлар матбуотда эълон қилинди, бироқ... қонунга нисбатан беписандлик давом этмоқда.

Душанба куни Шимолий вокзалда бўлиб ўтган муҳокамада Президентнинг давлат маслаҳатчилари, матбуот ишлари бўйича масъул ходимлар, Бош Вазир ўринбосари, Республика Ички ишлар вазири иштирок этиб қонун бандларини оёқости қилган масъул шахслар қаттиқ жазоланди, ҳар қалай ТВ экранида масъул раҳбарнинг погонини юлиб олиш ҳодисаси... бунақаси бўлмаган.Қабул этилаётган қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши нечоғли мураккаб кечмасин, унга эътиборсиз қараш аёвсиз ва муросасиз ўз баҳосини олади. Қонун олдида ҳамма баробар, унга риоя этишга эса ҳамма бирдек масъулиятли!

Бўлиб ўтган ҳодисадан чиқариладиган энг катта САБОҚ ана шу!

Кеча — сешанба куни эрталаб Республика Ички ишлар вазирлиги Нақлиёт ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби ҳамда вазирликнинг Нақлиёт ички ишлар бошқармаси Тошкент шоҳбекати тармоқ ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳузуридаги учрашувда иштирок этдим. Ҳар икки учрашувда, табиий, Шимолий вокзал ҳодисаси ҳақида сўз борди. Юртбошимизнинг жамиятда қонун устиворлиги борасида тинимсиз жонбозлик кўрсатаётгани, жамиятнинг демократлашувида, кузатилаётган камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилишида оммавий ахборот воситалари ниҳоятда жиддий кучга эгалигини бот-бот таъкидлашлари нечоғли асосли ва ҳаётий экани тилга олинди, кўрилган жазо чоралари республикамиздаги барча масъул раҳбарлар, барча фуқароларга САБОҚ бўлиши зарурлиги қайта-қайта айтилди. Ҳар иккала тадбир йиғилганларга нимадир берди, бироқ савол туғилади: айни шундай учрашув-суҳбатлар илгарироқ, нохуш ҳодисалар юз бермасидан авалроқ ўтказилса, кимга фойдалироқ бўлур эди?..

Юз берган нохуш ҳодиса баҳонасида ҳамкасблар шаънига айтилиши зарур бўлган таъналар ҳам йўқ эмас.

Юқорида бевосита матбуот билан, журналистлик фаолият билан боғлиқ қонунлар қабул қилинганига қанча вақт ўтганлиги айтилди. Хўш, ҳар бир ҳамкасбимиз ўзига савол берсин-чи: мазкур қонунларнинг оммалашуви йўлида ким қанчалик қайғурди? Ким нима ёзди? Ким қайси учрашув ёки давра суҳбатларида шу борада жон койитиб мулоҳаза айтди? Қолаверса, қонунларнинг омма онгига чуқурроқ сингиб бормаётганига биринчилар қатори ўзимиз — журналистлар айбдор эмасмизми?

Таънали саволларни давом эттирадиган бўлсак, мухбирларимиз жойларга борганда оддий кишилар ёки раҳбарлар билан муомала қилиш маданиятини чуқур эгаллаганмилар? Ахборот олиш чоғида дуч келинадиган мушкулликларни усталик билан, асорат қолдирмайдиган йўлларини топа оладиларми? Яна бир нозик гап: биз журналистлар фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммонинг бартараф этилишига яна бир марта шахсан Президентнинг ўзи, Президент атрофидаги жуда масъулиятли раҳбарлар жон койитаётганини чуқурроқ ҳис қиляпмизми?..

Дунёда айбни ўзгага ағдариб қутилишдан осони йўқ, ўзини айбдор ҳис қилиш эса ундан-да оғирроқ. Начора, ҳаётнинг талаби шу — турмуш олдимизга кўндаланг қўяётган муаммоларни сеники-меники демай ҳал этиш йўлларини излаш ватанпарварлик аломати. Қонунни ҳурмат қилиш эса ҳар бир фуқаронинг БУРЧИ.

Тошкент Шимолий темир йўл вокзалида юз берган ҳодиса, бўлиб ўтган муҳокама, кўрилган жазо чоралари ва улардан келиб чиқадиган САБОҚдан олинадиган хулоса ҳам шу!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси**



**Чорток туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигида бу йил 350 гектар майдонда 1150 тонна ғалла етиштирилди. Хўжалик маккажўхорикорлари катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритдилар. Шунингдек, бу ерда мевадан ҳам яхши ҳосил йиғиштириб олинди.**

***СУРАТЛАРДА:** ижарачилар бригадаси бошлиғи Турғунпўлат Расулов; хўжалик бош мутахассиси Авазбек Ортиқов ижарачи Маҳмуджон Ортиқов билан.*

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.



«Адолат»га жавоб берадилар

# «БАҲОНАГА ЭРК БЕРИЛСА...»

*(«Адолат» газетаси, 1998 йил, 3 июль, № 26).*

**_Сариосиё туманидаги «Суфиён» ширкатлар уюшмасига қарашли «Шоқишлоқ»да айрим ижтимоий соҳалар ривожлантирилишдан орқада қолаётганлиги, айниқса, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан етарли ишлар қилинмаётганлиги хусусида танқидий мулоҳазалар билдирилган ушбу мақола юзасидан шундай жавоб олинди._**

«Баҳонага эрк берилса...» сарлавҳали танқидий мақола Сариосиё тумани ҳокимлиги ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, «Суфиён» ширкатлар уюшмаси ҳудудида ўтказилган гидрогеологик ўрганишлар ер ости сувларидан фойдаланиш имконияти йўқлигини кўрсатган. Шунинг учун хўжалик маблағлари ҳисобидан «Шоқишлоқ» қишлоғи юқорисида иккита сув тозалаш ҳавзалари қурилиб, 1994-1998 йиллар давомида 10 километрлик тоза ичимлик суви учун катта диаметрдаги асосий қувурлар ётқизилган. Ушбу қувурлар орқали хўжаликнинг «Ғайрат», «Суфиён», «Бирлик» маҳаллалари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ҳозирги вақтда ана шу қувурлардан келаётган тоза ичимлик суви билан хўжаликнинг «Шоқишлоқ» ва кичик «Суфиён» маҳаллаларини ҳам таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Йил охиригача мазкур маҳаллалар тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Мақолада қайд этиб ўтилганидек ҳақиқатдан ҳам хўжаликдаги мавжуд хонадонларга, шу жумладан, «Шоқишлоқ» маҳалласидаги хонадонларга радио нуқталари ўтказилган. Радио узатиш асбоб-ускуналарининг эскириши ва носозлиги оқибатида кейинги вақтда радио нуқталари ишлатилмаган. Бу камчиликларни бартараф этишни «Суфиён» ширкатлар уюшмаси бошқаруви ўз зиммасига олди.

1996-1998 йиллар давомида «Суфиён» ширкатлар уюшмасида аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида 8,5 миллион сўмлик иш бажарилиб аксарият маҳаллалар газлаштирилди. Шу жумладан, «Шоқишлоқ» маҳалласида ҳам газ қувурлари ўтказилиб, газ тақсимлагич ўрнатилди ва дастлабки бир нечта хонадонлар газлаштирилди.

Жорий йилнинг охиригача мазкур маҳалла аҳолиси табиий газ билан тўлиқ таъминланади. Мақолада қайд этиб ўтилган «Шоқишлоқ» қишлоғидаги камчиликларни бартараф этишни туман ҳокимлиги ўз назоратига олади.

**Жўра НОРАЛИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокими.**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 18 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

*1 АҚШ доллари — 102 сўм 30 тийин.*

